ЧЎЛПОН ВА ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ

Н.Т.ЙЎЛДОШЕВ

В статье рассматриваются вопросы влияния классиков литературы Востока на поэтическое творчество Чулпана.

The article deals with the influence of oriental classical poets to the creative works of Chulpan.

Абдулҳамид Чўлпон шеъриятининг илк сарчашмалари Шарқ мумтоз адабиёти билан боғлиқ. Чўлпон гарчи ўзининг “йўлсизлиги”дан қийналиб “Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархонларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил”, - дея эътироз билдирган бўлса-да, ҳақиқатда уларнинг ижоди учун муштарак бўлган шаклий бир хилликнигина назарда тутган. Аслида Чўлпоннинг буюк Шарқ шоирлари Ҳофиз, Навоий, Фузулий шеъриятидан кўп бора мутаассир бўлганлиги ижодидан-да кўриниб турибди. Бундан ташқари, Чўлпонда Шарқ классиклари ижодини мукаммал ўрганиш учун оилавий муҳит бўлган. Шоирнинг жияни Ўктам Мирзахўжаевнинг ёзишича, Чўлпоннинг отаси Сулаймон Юнус ўғли девонида Навоий, Жомий, Фузулий ғазалларига боғланган мухаммаслар ҳам бўлган.

Ҳазрат Навоий ижоди Чўлпон сув ичган булоқлардан бири. У 1924 йил “Туркистон” газетасининг 13 сентябр сонида эълон қилган. “500 йил” мақоласида шоир ижодини ўрганишни тарғиб қилган. Ўзбек билим ҳайъати эътиборига ёзилган ушбу хатда Навоийнинг Чиғатой адабиёти ва тилига қилган ҳизматлари таъкидланади, шоир юбилейини тантанали ўтказиш учун вазифалар тавсия қилинади.

Чўлпон нафақат амалий фаолияти билан, ижодида ҳам Навоий анъаналаридан, маҳоратидан унумли фойдаланди. Масалан: “Лайли ва Мажнун” мунгли, фожеий руҳдаги асар. Шоир достон қаҳрамонлари “ҳаёт шаъми” ўчганини куз фаслида бериб фожеий манзарани янада қуюқлаштиради. Навоий бу фожеани бошқа бирор фаслда беролмас эди. Чунки қаҳрамонлари мотамидан қаттиқ изтироб чеккан шоир “ўлди” сўзи ўрнига “ҳаёт шаъми ўчгани”, “жони қафасидан учгони” ибораларини қўллаган. [1.356] Бу ўринда куз – шоир руҳиятига ҳам, ошиқлар фожеаси билан ҳам уйғунлашган. Чўлпонда ҳам куз тасвири билан боғлиқ “Куз”, “Хазон” каби шеърларда мустамлака асоритида эзилаётган оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқ қисмати ифода этилади. Икки шоирнинг образга мурожаатида маълум маънода руҳий яқинлик бор. Навоийда ижтимоий муҳит фожеаси, Чўлпонда миллат фожеаси.

Ҳазрат Навоий шеъриятида кўп бор учрайдиган тимсоллар Қуёш ва Ой образлари. Шоир ижодида Қуёш – маъшуқа ҳуснига нисбатан ҳам, Оллоҳ, борлиққа нисбатан ҳам ижобий тимсол сифатида қўлланган. Масалан:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч
қуёш... [2.237]

байтида қуёш – ёр юзига ўхшатилган. Бу анъанага амал қилган Чўлпон қуёш образини турли маъно товланишларида яратган. Масалан:

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга
ботдимку... [3.6]

Ҳақиқатан ушбу байт шоирнинг муҳолифлари учун уни бадном қилишда дастак бўлган. Аслида шундайми? Озод Шарафиддинов фикрича, бу байтда ошиқ севган ёрини қуёшга, ўзини эса юздузга қиёс қиляпти, аммо ошиқ ёр васлига эриша олмайди, чунки қуёш чиққанда юлдуз бекинмоғи керак. Д.Қуронов фикрича “... мақтаъдаги шоир тахаллусининг асл маъноси рамзий маънога ишора қилади, муҳаббат осмонидаги юлдуз қуёш чиқиши билан сўнишга мажбур бўлдики, бу билан Октябр инқилобининг мустақиллик учун кураш пайини қирққанига ишора қилинаётир” [4.36]. Биринчи изоҳда образнинг зоҳирий маъноси, иккинчи фикрда эса ботиний маъно таъриф қилинган.

Чўлпоннинг “Гўзал”, “Мен дутор бирлан туғишғон кўҳна бир девонаман”, “Шафтолига” каби шеърларида навоийона гўзал туйғуларни кузатиш мумкин: ҳазрат Навоийнинг:

Ўзгалар ҳуснин тамоша айласа чиқсин кўзим,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳусниңг тамошо
айласа.

байти Чўлпоннинг:

Майли севган ошиқларинг юзларингга тўймасун,
Лекин рақиб лабларингга лабларини қўймасин.
[3.68]

мисралари билан ниҳоятда руҳий ва маънавий яқинликни кузатиш мумкин. Адабиётшунос Ҳ.Ёқубов

“Чўлпон ва Навоий” рисоласида ёзади: “Навоий ҳам, Чўлпон ҳам “Кўнгил”ни “мен” орқали бадиий тадқиқ этган... Навоий мавзуни анъанавий мумтоз ўзбек тили, Чўлпон умумхалқ тили асосида таркиб топган янги адабий тил орқали янги реалистик услубда жонли баён этди. Навоий романтик методда ижод қилди, унда анъанавийлик, рамз, муболағадорлик кучли эди. Навоийда тасаввуф ва ҳаётий ҳам шарқий тамойиллар – етук. Чўлпонда давр руҳи ва Оврўпа лирикаси таъсири оз эмас. Миллий уйғониш антиколониал пафос – етакчи...”[5.46] Мунаққид Чўлпон ва Навоий ижодидаги муштарак ҳолатлари ўзига хос талқин қилган.

Чўлпон 20-30 йиллар адабий жараёнида нафақат бадиий ижоди билан, балки адабий-танқидий руҳдаги мақолалари билан ҳам фаол иштирок этган. Хусусан, адибнинг “Увайсий” мақоласи “Ёрқин турмуш” журналининг 1936 йил 4-5 қўшма сонларида эълон қилинган. Мақолада Жаҳонотин Увайсийнинг адабий-ижтимоий муҳити, Умархон саройига келиш сабаблари фавқулодда истеъдодга эга эканлигини айтиб ғазалларидан намуналар келтиради. Айниқса, экспромт йўли билан ёзилган “Анор” чистонини юксак санъаткорлик билан ёзилганини эътироф этади.

Чўлпон мутассир бўлган шоирлардан яна бири Фузулий Бағдодий. Вадуд Маҳмуд шу номдаги мақоласида унинг Туркистон шоирларига таъсири масаласига алоҳида тўхталади. Мунақиднинг: “Фузулий тилининг бу кункиси, яъни усмонлича ила шоиримиз Чўлпон ҳам баъзан чиройлик парчалар ёзадир. Бу одам эски шоирларимиз каби Фузулий таъсири билан эмас, бу кунги Туркия адабиёти таъсири остида “ғарб туркчаси” билан ёзадир”[6.47-48], - деб Чўлпоннинг усмонлича тилда лекин фузулийона ёзган “Ишқ” шеърини келтиради:

Илк аввал гўзими ишқ ила очдим,
Ишқнинг майдонина қоними сочдим,
Ишқсиз ўлкалардан у онда қочдим,
На замон боғладим зуннори ишқи.

Чўлпон ҳам Фузулий сингари ошиқона шоир эди.

Муҳаббат лаззатиндин бехабардур
зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи бор ўландан
сўр... [7.127]

Фузулий ишқи илоҳийни талқин этди. Чўлпоннинг ишчи Ажзий сингари миллат ишқи, Ватан ишқи эди. Аммо шоирга Фузулийнинг таъсири оз эмас. Буни Чўлпоннинг “Қаландар ишқи”, “Галдир” шеърлари ҳам тасдиқлаб турибди. Бундан ташқари, “Ёрқиной” драмасининг кириш қисмида Фузулийнинг:

Водийи ваҳдат ҳақиқатда мақоми ишқдир
Ким, мушаххас ўлмаз ул водийда султондан
гадо [7.27],-

байти эпиграф сифатида келтирилган. Ҳақ йўлида, ҳақиқат йўлида барча ошиқлар бирлашадилар, у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо. Чўлпоннинг ушбу байтни келтириши бежиз эмас. Драма қаҳрамонлари: Пўлат билан Ёрқинойнинг муҳаббатлари – юрт, халқ озод бўлмаса, ҳақиқий маъно касб этмайди. Ғазалнинг мақтасида Фузулий ёзади:

Эй Фузулий, интиҳосиз завқ бўлдинг ишқдан,
Бўйладур ҳар ишки, ҳақ одила қилсанг ибтидо,-

ҳар қилган иш одиллик билан, ҳақ ила ибтидо топса, бу ишқнинг лаззати интиҳосиздир. Ғазал Чўлпон руҳиятига ҳам уйғун келган. Чўлпон ҳақидаги хотираларда, тадқиқотларда ҳам унинг Фузулий гулшанидан баҳра олганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Форс адабиётида ғазаллар пири - риндона шоир Ҳофиз Шерозий ижоди ҳам Чўлпонни мафтун этган. Машъум 1937 йилнинг 7-8 апрель кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида кўпгина адибларнинг тақдирини ҳал қилган мажлислардан бири бўлиб ўтган. Шу йиғинда Чўлпон ҳам қатнашиб, ўзига нисбатан айтилган туҳматларга раддия билдирган. Чўлпон мумтоз шоирлар ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Шоирларнинг энг гўзал нарсаларини ёзиб олганман. Шунинг баъзи бир жойларини ўқиб бераман. Агар шу зарарли бўлса, бўйнимга оламан. Мен Ҳофиз ва бошқа шоирларнинг асарларини ўқийман...” Чўлпон ёнидаги ҳамкасабаларига Ҳофиз шеърларини ўқиш зарарли эмаслигини тушунтириб бермоқчи бўлади.

Чўлпон Ҳофиз Шерозийнинг бадиий санъатларни қўллаш, образ яратиш маҳоратидан ижодий ўрганди, уни ўз ижодида кўп бор қўллай билди. Масалан: “Гўзал” шеърида бир неча бадиий санъатларни маҳорат билан қўллаб оригинал поэтик образлар яратди.

Умуман олганда, Чўлпон ва Шарқ адабиёти муносабатлари алоҳида тадқиқотларга арзийдиган мавзулардан биридир.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 9- т.- Т.: Фан, 1992 – Б. 356
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-т.- Т.: Фан, 1987, –Б. 237

3. Чўлпон. Асарлар. 1-жилд.- Т., 1993. - Б.6
4. Д.Қуронов. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б.36
5. Ҳомил Ёқуб. Чўлпон ва Навоий.- Т.: Шарқ, 1997, - Б.46
6. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Т.: Маънавият., 2007. – Б. 47-48
7. Муҳаммад Фузулий. Асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. Девон. Т., 1968. – Б. 127
8. Чўлпон. Адабиёт надир. Т.: Чўлпон, 1994.

Термиз давлат университети,
2012 йил 24 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)